

7. Patra I., Ansari M.J., Emad Izzat S., Uktamov K.F., Abid M.K., Mahdi A.B., ... & Sharma H. *Synthesis of efficient cobalt-metal organic framework as reusable nanocatalyst in the synthesis of new 1, 4-dihydropyridine derivatives with antioxidant activity*. *Frontiers in Chemistry*, 2022, 943.
8. Грачев А.В. *Анализ и управление финансовой устойчивостью предприятия. От бух. учета к экономическому*. Учеб. практик. пособие. – М.: Финпресс, 2002. 208-б.
9. Foot, Michael. «*What Is 'Financial Stability' and How Do We Get It?*» *The Roy Bridge Memorial Lecture (United Kingdom: Financial Services Authority)*, April 3, 2003.
10. Уктамов Х. *Способы обеспечения экономической безопасности промышленных предприятий*. *Общество и инновации*, 1(1/S), 2020, 405-412.
11. Хасанов Н., Нажибдинов С. *Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш*. – Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 1999. 8-б.
12. Вахобов А.В., Ишонқулов Н.Ф., Иброхимов А.Т. *Молиявий ва бошқарув таҳлили*. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013 й. 327-б.
13. Tukhtabaev J., Razakova B. & Uktamov H. *The role of the digital economy in ensuring the economic security of the country*. *Scienceproblems. uz*, 2020, 1 (1), 7-7.
14. Baratova D., Khasanov K., Musakhonzoda I., Abdumuratov S. & Uktamov K. *The impact of the coronavirus pandemic on the insurance market of Uzbekistan and ways to develop funded life insurance*. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 296, p. 06028). EDP Sciences. 2021.
15. Baratova D.A., Khasanov K.N., Musakhonzoda I.S.O., Tukhtarova M.Y.Q. & Uktamov K.F. *Econometric Assessment of Factors Affecting the Development of Life Insurance in Uzbekistan*. *REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS*, 2021, 11 (2), 1123-1138.



## СУГУРТА ТАШКИЛОТИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кенжсаев Илҳом Гиёзович -  
Тошкент молия институти Сугурта ва  
пенсия иши кафедраси доценти, PhD

doi: [doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a66](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a66)

**Аннотация.** Ушбу мақолада сугурта ташкилоти инвестиция фаолиятининг сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили келтирилган ҳамда бу ўналишдаги фаолият самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** сугурталовчи, сугурталанувчи, сугурта мукофоти, сугурта пули, сугурта жавобгарлиги, сугурталовчининг инвестиция фаолияти.

## ПОКАЗАТЕЛИ КАЧЕСТВА ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТРАХОВОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Кенжсаев Илҳом Гиёзович -  
PhD, доцент кафедры «Страхование и пенсионное дело»  
Ташкентского финансового института

**Аннотация.** В данной статье представлен анализ показателей качества и эффективности инвестиционной деятельности страховой организации, а также разработаны предложения и рекомендации по повышению эффективности деятельности в этом направлении.

**Ключевые слова:** страховщик, страхователь, страховая премия, страховая сумма, страховая ответственность, инвестиционная деятельность страховщика.

## QUALITY INDICATORS FOR EVALUATING THE EFFECTIVENESS OF THE INVESTMENT ACTIVITY OF AN INSURANCE ORGANIZATION

Kenjaev Ilhom Giyzovich -  
PhD, Associate Professor of the Department "Insurance  
and pension" of the Tashkent Financial Institute

**Abstract.** In this article it is presented an analysis of the indicators of quality and efficiency of the investment activity of an insurance organization, and are developed proposals and recommendations for improving the efficiency of activities in this direction.

**Key words:** insurer, policyholder, insurance premium, sum insured, insurance liability, investment activity of the insurer.

**Кириш.** Инвестициялар бўйича даромад нормаларини ҳисобга олган ҳолда суғурта тўловларини дисконтлаштиришга хос бўлган ҳаёт суғуртаси операцияларини амалга оширишда Европа давлатларининг ихтисослашган суғурта ташкилотлари учун инвестиция фаолиятидан даромад олиш жуда муҳим ҳисобланади. Шу боис мазкур суғурта ташкилотларида ликвидлик масаласи иккинчи даражали ҳисобланади, чунки суғурта ташкилотларига жалб қилинган маблағлар, асосан, узоқ муддатли маблағларни ташкил этади.

Масалан, Англия суғурта ташкилотларининг активлари таркибини олиб қарайдиган бўлсак, уларда “давлат қимматли қоғозлари, маҳаллий органларнинг қимматли қоғозлари ва чет эл қимматли қоғозлари 25 фоизга яқинни, компанияларнинг қимматли қоғозлари 30 фоиздан ортиқ, ссудалар ва ипотека кредитлари 2-5 фоиз, кўчмас мулкка қўйилмалар 3-5 фоизни ташкил этган ва бошқа соҳаларга 35 фоиз атрофидаги маблағлар йўналтирилади” [1].

Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича халқаро амалиётда кенг қамровли тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотлар суғурта ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишга ва самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу дунё амалиётида икки хил ёндашувни ўз ичига олади. Биринчиси европача ёндашув бўлиб, ушбу ёндашув суғурта фаолияти инвестиция фаолиятини ҳисобга олмаган ҳолда даромадли натижага эришиш шарт эканлигини кўзда тутса, иккинчиси америкача ёндашув бўлиб, мазкур ёндашувда суғурта ташкилоти суғурта фаолиятидан зарар кўрган тақдирда ҳам инвестиция фаолиятидан олган даромадлари ҳисобидан фаолият кўрсатиши мумкинлигини назарда тутади. Лекин бугунги кунда халқаро амалиётда суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини оширишга қаратилган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Суғурта ташкилотининг инвестиция қўйилмалари самарадорлиги ҳамда сифатини аниқ ва оператив баҳолаш суғурта ташкилоти инвестиция сиёсати ва инвестиция стратегияси камчиликларини аниқлаш усули ҳисобланади. Шунинг учун суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти самарадорлиги ва сифати кўрсаткичларини тизимлаштириш мақсадга мувофиқ. Ушбу кўрсаткичларни комплекс таҳлил қилиш суғурта ташкилотлари фаолиятидан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

#### Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.

Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ўрни ва аҳамияти назарий ҳамда амалий жиҳатлари, унга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг эконометрик моделлари таҳлили, прогнозлашни жорий этиш масалалари бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, суғурталовчининг инвестиция фаолияти бўйича кўплаб назарий-илмий ишлар қилинган ва таърифлар берилган.

Хусусан, иқтисодчи олим Ю.А. Сплетухов суғурта ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиб, “рақобатли кураш шароитида фойданинг асосий қисмини улар фақат бевосита операциялардан эмас, балки инвестициялардан олмоқда” деб ёзди [2].

Европалик иқтисодчи олим Л.А. Орланюк-Малицкая ўз илмий асарларида қуидагича баён қилган: “...инвестиция фаолиятидан олиандиган фойда суғурта ташкилоти ўзининг суғурта операцияларидан зарар кўрган ҳолда ишлашга имконият беради. Бу унга рақобат шароитида бозорда ўз жойини эгаллашини таъминлайди” [3].

Бундан ташқари иқтисодчи олим К.Е. Турбина ўзининг илмий тезиси билан шундай дейди: “Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолияти унинг молиявий ҳолатига шу даражада сезиларли таъсир қиласиди, кўп ҳолатларда қуидагиларни қайд этиш мумкин: молиявий йил натижалари бўйича фойда ёки зарар тўғри танланган инвестиция сиёсатининг оқибати, ёрқин аксидидир” [4].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Т.А. Фёдорованинг фикрича: “Инвестиция фаолиятининг натижаси суғурта компаниясининг фойдасига катта таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, суғуртанинг бაъзи бир турлари бўйича инвестициядан олинган фойда зарарни қоплашга керак бўлган суғурта захиралари учун тўлдириш манбай бўлиши мумкин. Демак, бошқарув тизимининг мавжуд бўлишини талаб қилувчи инвестициялаш, суғурта ташкилотлари фаолиятида алоҳида йўналиш бўлишига қарамасдан, у суғурта фаолияти ва унинг ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши лозим.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда илмий абстракциялаш, гурухлаш, қиёслаш, ретроспектив ва истиқболли, эмпирик таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Мақолада илмий абстракциялаш усули ёрдамида суғурта ташкилоти инвестиция фаолияти мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ва зарурати асосланди.


**Таҳлил ва натижалар.** Суғурта ташкилоти инвестиция фаолиятининг сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари тизимини шакллантириш учун уларни қуидаги тўртта гурухга ажрапланади:

тиш мүмкін:

- ❖ инвестиция портфелини бошқаришнинг сифат кўрсаткичлари;
- ❖ инвестиция қўйилмалари рентабеллигини ошириш кўрсаткичлари;
- ❖ инвестиция портфелини ташкил қўйувчи активларнинг сифатини баҳолаш кўрсаткичлари;
- ❖ инвестиция фаолияти натижаларига боғлиқ бўлган молиявий барқарорлик кўрсаткичлари.

Инвестиция портфелини бошқаришнинг сифат кўрсаткичлари фаол стратегияга тавсиф бериш ҳамда шакллантирилган портфель самарадорлигини бозордаги ўртача кўрсаткичлар билан солишириш имконини беради. Бу эса аниқ ризкнинг даромаддаги улушкини кўрсатувчи кўрсаткичга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқаради (расм).

**Суғурта ташкилотининг инвестиция фаолиятини самарадорлигини таъминлашга асосланган сифатни баҳолаш кўрсаткичлари**



**1-расм. Суғурта ташкилотлари инвестиция фаолиятининг натижадорлигини таъминлашга асосланган сифатини баҳолаш кўрсаткичлари**

**Манба:** муаллиф томонидан тайёрланган.

Риск ва даромаднинг ўзаро алоқасини тасвирловчи муҳим кўрсаткич мавжуд бўлиб, ушбу кўрсаткич У.Шарп томонидан таклиф этилган қўйидаги мезон ҳисобланади:

$$(R_p - R_f) / O_p - \max$$

Бу ерда:  $R_p$  – инвестиция ресурслари портфелининг даромадлилиги;

$R_f$  – риск мавжуд бўлмаган ҳолатдаги фоиз ставкаси;

$O_p$  – стандарт бўйича белгиланган давр оралиғида инвестиция ресурслари даромадлигининг ўзгариш баҳоси.

Унинг талқинига кўра, ушбу кўрсаткични капитал хусусиятига эга активлар баҳосининг шаклланиш моделига асосан бозор самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич билан таққослаш зарур:

$$(R_m - R_f) / O_m - \max$$

Бу ерда:  $R_m$  – бозор портфелига нисбатан олинган ўртача индекс;

$R_f$  - риск мавжуд бўлмагандаги фоиз ставкаси;

$O_m$  - аниқ давр учун бозор портфелига нисбатан ўртача даромадлилик кўрсаткичининг стандарт ўзгариши.

Трейкер индекси ҳам активлар портфелининг сифатини бошқариш кўрсаткичи сифатида иштирок этади ва тизимли хусусиятга эга битта рискка эга бўлган мукофот суммасини аниқлайди:

$$(R_p - R_f) / B_p = \max$$

Бу ерда:  $R_p$  - активлар портфелининг даромадлилиги;

$R_f$  - риск мавжуд бўлмагандаги фоиз ставкаси;

$B_p$  - аниқ давр учун активлар портфелининг тизимли риск кўрсаткичи.

Шарп мезони каби шакллантирилган инвестиция портфелини таққослаш учун тизимли хусусиятга эга бўлган ҳар бир риск учун ўртача бозор мукофоти асос бўлиб хизмат қиласди:

$$(R_m - R_f) / B_m = \max$$

Бу ерда: Трейкер индексининг камчилиги, турли кўринишдаги молиявий ресурсларни ўзида мужассамлаштирган инвестиция портфели учун В мезонининг тахминан олиниши ҳисобланади. Келтирилганидек, унинг қўлланилиши молиявий ресурснинг туридан келиб чиқиб, активлар портфели алоҳида қисмларга ажратилганда гина ўз самарасини беради.

Йенсен мезони Трейкер индексидаги каби аналогик тамойилларга асосан шакллантирилади ва инвестиция портфелининг ўртача бозор мукофотидан ўзгариш ҳолатларини аниқлайди:

$$A_p = (R_p - R_f) - (R_m - R_f) \times B_p$$

Мазкур кўрсаткич талқинини амалга ошириш учун бир нечта нисбатлар таҳлил қилинади:

a)  $A_p > 0$  - "юқори натижадорлик" - бозордан юқори портфель даромадлилиги;

б)  $A_p = 0$  - "нормал натижадорлик" - портфель даромадлилиги ўртача бозор кўрсаткичида;

в)  $A_p < 0$  - "паст натижадорлик" - портфель даромадлилиги ўртача бозор кўрсаткичидан паст.

Навбатдаги кўрсаткичлар жамламаси инвестиция қўйилмалари рентабеллигини белгиловчи параметрлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичлар инвестиция даромадининг минимум талбларини белгилашда муҳим ҳисобланади, уларга суғурта ташкилоти портфели параметрларини оптималлаштирувчи сифатида қаралади. Бунда инвестиция маблағларининг умумий рентабеллиги юқорида келтирилган.

$A_p = (R_p - R_f) - (R_m - R_f) \times B_p$  формула орқали ҳисоблаш мумкин. Ушбу кўрсаткич суғурта ташкилотининг инвестиция операцияларидан умумий даромадини баҳолайди. Бунда минимум талблар сифатида риск мавжуд бўлмагандаги бозор ставкаси ҳисобланади. Ушбу талаб, мисол тариқасида олганда, давлат қимматли қоғозлари даромади кўрсаткичи билан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда ҳозирги шароитда инфляция даражаси, Марказий банк қайта молиялаш ставкаси, чет эл валюта курси, банк депозитлари ставкасини ҳисобга олувчи молиявий ресурслар қийматини белгиловчи кўрсаткичи қўллаш муҳим ҳисобланади. Бунда суғурта ташкилотининг ҳар қандай пассивлари даромадли бўлиши зарурлигини ҳисобга олганда, валютада белгиланган ҳаёт суғуртаси шартномалари рентабеллигини аниқлаш янада муҳимлик касб этади. Ҳаёт суғуртаси шартномаларининг рентабеллиги куйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Insurance}_{life} = \frac{\text{Rate}_{life}}{T_{life}} \geq 1$$

Бу ерда:  $\text{Rate}_{life}$  - ҳаёт суғуртаси захиралари ташкил топган портфель даромадлилиги;

$T_{life}$  - ҳаёт суғуртаси бўйича техник фоиз ставкаси.

Ушбу кўрсаткич куйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Rate}_{life} = \frac{D_{life} + TP_{life} + PP_{life} + Lese_{life} + Dther_{life}}{R_{life} + (R_{lin} - T_{lin} / 12) - (R_{lout} - T_{lout} / 12)}$$

Бу ерда:  $D_{life}$  - олинган фоизлар ва дивидендлар;

$TP_{life}$  - ишлатилган курс фойдаси;

$PP_{life}$  - ишлатилмаган курс фойдаси;

$Lese_{life}$  - кўчмас мулк ижарасидан олинган фойда;

$Dther_{life}$  - инвестиция қўйилмалардан олинган бошқа фойда;

$R_{life}$  – ҳаёт суғуртасининг мавжуд маблағлари;

$R_{lin}$  – ҳаёт суғуртасининг қўшимча маблағлари;

$T_{lin}$  – ҳаёт суғуртаси маблағларининг портфелда турган ойлар сони;

$R_{lout}$  – ҳаёт суғуртасидан чиқариб олинган маблағлар;

$T_{lout}$  – ҳаёт суғуртасидан чиқариб олинган маблағларнинг портфелда бўлмаган ойлар сони;

$T_{life}$  – ҳаёт суғуртаси бўйича техник фоиз ставкаси.

Ушбу кўрсаткичга нисбатан олдинга сурилаётган талаб шундан иборатки, бунда ушбу кўрсаткич  $\geq 1$  (бирдан катта ёки тенг) бўлиши керак. Бу ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта захиралардан ташкил топган активлар портфели даромадлигиининг техник фоиз ставкасидан юқори бўлиш талабидан келиб чиқади. Акс ҳолда, суғурта ташкилоти мазкур портфелнинг даромадлигини ошириш учун ўз инвестиция сиёсатини ўзгартириши ёки техник фоиз ставкасини камайтириши керак бўлади. Аммо суғурта ташкилоти ушбу ставкани пасайтирганда ва бошқа

$$Rate_{portfolio} = \frac{D + TP + PP + Lease + Other}{Vo + (Vin - tin / 12) - (V_{out} - t_{out} / 12)}$$

Бу ерда:  $Rate_{portfolio}$  – инвестиция портфелининг умумий даромади;

$D$  – олинган фоиз ва дивидендлар;

$TP$  – ишлаб чиқилган курс фойдаси;

$PP$  – ишлаб чиқилмаган курс фойдаси;

$Lease$  – кўчмас мулк ижарасидан фойда;

$Other$  – инвестиция ресурсларининг бошқа фойдалари;

$Vo$  – бошланғич қўйилмалар;

$Vin$  – қўшимча жалб қилинган ресурслар;

$tin$  – қўшимча ресурслар портфель ишлатилишининг ойлар сони;

$V_{out}$  – чиқариб олинган маблағлар;

$t_{out}$  – чиқариб олинган ресурсларнинг портфелда бўлмаган ойлари.

Кўриб чиқилаётган кўрсаткич пассивларнинг қадрсизланишини баҳолаш имконини беради. Ушбу кўрсаткич 1 дан кичик бўлганда,

$$Rate_{eg} = \frac{D_{eg} + TP_{eg} + PP_{eg} + Lease_{eg} + Other_{eg}}{R_{eg} + (R_{eg} - t_{eg} / 12) - (R_{eg} - t_{eg} / 12)}$$

Бу ерда:  $TP_{eg}$  – суғурта ташкилоти хусусий капиталининг қиймати.

барча шартларнинг тенглиги талабига амал қилганда, ўзининг рақобатбардош позициясини йўқотади. Ушбу ҳолат суғурта ташкилотига юқори даромад келтирадиган бошқа инвестиция объектини қидириш заруратини келтириб чиқаради.

Шунингдек, Марказий банк томонидан валюталарнинг эркин сузуб юрувчи курси амал қилаётганлиги эълон қилинган бўлишига қарамасдан, мазкур ҳолатда суғурта ташкилоти томонидан валюта номиналидаги пассивлар рентабеллигининг алоҳида таҳлилини амалга ошириш зарур бўлади. Бу кўрсаткич қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\frac{Rate_{cur}}{T_{cur}} \geq 1$$

Бу ерда:  $Rate_{cur}$  – валюта пассивлари номиналида ташкил этилган активлар портфелининг даромадлилиги;

$T_{cur}$  – пассив валюталарнинг ўзгарувчалиги.

Ушбу кўрсаткич маълум вақт оралиғи учун активлар портфелининг даромадлигини баҳолаш бўйича аниқланади, яъни:

суғурта ташкилотининг суғурта захиралари олдин қабул қилинган мажбуриятларга мос келмаётганлигига эътиборни қаратиши керак. Чунки бу ҳолат суғурта ташкилотининг молиявий барқарорлигига путур етказиши ёки уни банкротликка олиб келиши мумкин. Шу билан бир қаторда, суғурта ташкилотининг хусусий капиталини ташкил қилувчи бир қатор пассивлар аниқ қийматга эга бўлиб, ушбу қийматликларнинг рентабеллигини аниқлаш муҳим ҳисобланади:

$$\frac{Rate_{eg}}{T_{eg}} \geq 1$$

Бу ерда:  $Rate_{eg}$  – қўйидаги формула орқали аниқланадиган, суғурта ташкилотининг хусусий капиталидан ташкил топган инвестиция портфелининг даромадлилиги:

Ушбу кўрсаткич ўз маълумотларига эвалиги билан суғурта ташкилотининг мижозлари ва акционерлари учун муҳим ҳисобланади. Унинг

юқори даражаси суғурта ташкилотига ўзи рақо-  
батбардошлигини ошириш ва молиявий барқа-  
рорлигини таъминлаш ҳамда инвестиция  
активлари ҳажмини ошириш имкониятини бе-  
ради.

Суғурта ташкилотининг активлар порт-  
фелини баҳолаш параметрларини таҳлил қи-  
лишнинг долзарблиги норматив коэффициент-  
ларнинг бекор қилиниши ва суғурта захирала-  
рини жойлаштириш тартибларининг пайдо бў-  
лиши билан янада ортади. Суғурта ташкилоти  
активлар портфелининг умумий рисклари ин-  
вестиция сиёсатининг риск даражасини кўрса-  
тади ва бу қуйидаги формула орқали аниқла-  
нади:

$$O_{portfolio} = \sqrt{\sum_{i=1}^N \sum_{j=1}^N a_i a_j V_{ij}}$$

Бу ерда:  $O_{portfolio}$  – инвестиция портфе-  
линиң умумий риски;

$a_j$  – суғурта ташкилотининг жойлашти-  
рилган инвестиция активи қисми;

$$K_{portfolio} = Rate_{portfolio} \times D_{rate} + 1/O_{portfolio} \times D_o + I_{tportfolio} \times D_i$$

Бу ерда:  $K_{portfolio}$  – суғурта активлари  
портфелини баҳолашнинг умумий мезонлари;

$D$  – суғурта ташкилоти инвестиция порт-  
фелида унинг ишончлилиги, ликвидлилиги,  
даромадлилигини кўрсатувчи коэффициентлар.

$$\sum_{i=1}^3 d_i = 1$$

Бундан ташқари суғурта ташкилоти ин-  
вестиция фаолияти сифати ва натижадорлиги-  
ни баҳолашнинг умумий тизимида унинг инвес-  
тиция фаолиятидан келиб чиқадиган молиявий  
барқарорлигини белгиловчи кўрсаткичларни  
кўриб чиқиш керак. Бунинг учун қуйидаги хусу-  
сиятларни кўриб чиқиш зарур:

а) қўйилган ресурсларнинг ўртача йиллик  
даражаси;

б) активлар дюрациясининг (фоиз ставка-  
лари ўзгаришига сезувчанлик) пассивлар дюра-  
циясига нисбати;

в) активлар ликвидлиги кўрсаткичи;

г) ликвидлилик даражаси.

Кўйилган ресурсларнинг ўртача йиллик  
даражаси қуйидаги формула билан аниқланади:

$$K_i = \frac{\sum_{n=1}^5 V_n / 5}{\sum_{n=1}^5 A_n / 5}$$

$V$  – фойдаланилган активларнинг даромад-  
лилик матрицаси.

Суғурта ташкилотининг активлар портфе-  
ли ликвидлилиги қуйидаги формула билан  
аниқланади:

$$I_{tportfolio} = \sum_{i=1}^n I_{ti} \times d_i$$

Бу ерда:  $I_{tportfolio}$  – инвестиция ресурси  
портфелининг умумий ликвидлиги;

$I_{ti}$  – активлар портфелидаги  $i$  – актив  
ликвидлиги;

$d_i$  – активлар портфелидаги  $i$  – актив  
улуши.

Келтирилган кўрсаткичлар баҳоси суғурта  
ташкилотининг инвестиция фаолияти сиёсати-  
ни белгилаш имконини беради. Бу, айниқса,  
суғурта ташкилотларининг рейтингини аниқ-  
лашда уларни ўзаро таққослашда қўл келади.  
Суғурта ташкилотининг активлар портфелини  
тизимли равишда таҳлил қилиб бориш учун  
куйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

Бу ерда:  $K_i$  – ўртача йиллик инвестиция-  
лар коэффициенти;

$V_n$  – қўйилган ресурсларнинг чораклик ва  
йиллик ҳажми;

$A_n$  – суғурта захираларидағи қайта суғур-  
та улуши ва заарлар суммаси айириб ташлан-  
ган ҳолда қўйилган ресурсларнинг чораклик ва  
йиллик ҳажми. Ушбу кўрсаткич суғурта ташки-  
лоти маблағларининг инвестиция активлари-  
дан ташкил бўлган қисмини аниқлаш имконини  
беради.  $K_i$  кўрсаткичининг қайта суғурталовчи  
улуси билан биргалиқдаги йиллик суғурта  
захиралари қийматига нисбати уларнинг тўлиқ  
жойлаштирилиш даражасини кўрсатади. Актив-  
лар дюрациясининг пассивлар дюрациясига  
нисбати ҳаёт суғуртасида унинг фоиз рискига  
нисбатан позициясини белгилайди ва ушбу  
формула билан ҳисобланади:

$$K_{DU} = \frac{D_{ua}}{D_{u1}} = 1 \text{ таҳминан белгиси } 1 \text{ га}$$

тeng бўлиши керак.

Бу ерда:  $D_{ua}$  – активлар дюрацияси;

$D_{u1}$  – пассивлар дюрацияси.

Суғурта ташкилоти фаолият кўрсатиши-  
нинг муҳим тамойили унинг ўз зиммасига олган  
мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиши  
экан. Бунда активлар ликвидлиги кўрсаткичини

тахлил қилиш мұхим ўрин тутади:

$$D_{u1} = \frac{A_1}{R} \geq 1$$

Бу ерда:  $D_{u1}$  – активлар ликвидлиги күрсаткичи;

$A_1$  – бозор қиймати бүйічә ликвид активлар суммасы;

$R$  – қайта суғурта улуши ва ишлаб топилмаган мукофотларни ҳисобга олган суғурта захираси суммаси күриб чиқылаётган мезон.

Күриб чиқылаётган мезон суғурта ташкилотининг ишончлilikini у олиб бораётган инвестиция сиёсати билан зарур ликвидликка эга бўлган активлар портфелини ташкил қилиш имконияти ўртасида боғлиқлик борлигини күрсатади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, суғурта ташкилоти активлари таркибида ўз ликвидликни ҳеч қачон йўқотмайдиган активларнинг бўлиши мұхим ҳисобланади. Суғурта ташкилотининг олган мажбуриятларини аниқ ва ўз вақтида бажара олишини кўрсатувчи навбатдаги коэффициент ликвидлик даражаси бўлиб, у суғурта ташкилоти пассивларининг ликвид активларга нисбати билан фарқланади. Бу қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$L_k = \frac{L}{A_1} \leq 105$$

Бу ерда:  $L_k$  – суғурта ташкилотининг ликвидлик даражаси;

$L$  – суғурта ташкилотининг олган мажбуриятлари йифиндиси;

$A_1$  – бу суғурта ташкилоти ликвид активлари амортизация қийматининг суммаси бўлиб, бунда бозор тебранишлари ҳисобга олинмайди. Ликвидликка эга бўлган активлар кассадаги, суғурта ташкилоти ҳисоб рақамидаги, банк депозити қўринишидаги, кўчмас мулк ва қимматли қофоз шаклидаги маблағлар бўлиб, улар мавжуд мажбуриятларнинг 5 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Ушбу кўрсаткичининг 105 даражада бўлиш талаби суғурта бозорида банкротларнинг фаолият кўрсатиши таҳлилига кўра, суғурта ташкилотининг ликвидлик даражасининг сўнгги 3-5 йил давомида ошиб бораётганлигини кўрсатди. Натижада инвестиция фаолияти натижадорлигини оширишга асосланган суғурта ташкилоти амал қилишининг сифатини баҳолаш бўйича кўрсаткичлар тизими инвестициялашнинг фаол стратегияси самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Шу билан бир қаторда, суғурта ташкилотининг рентабеллиги даражаси инвестиция ресурслари даромадлилиги ва инвестиция сиёсати самарадорлигини аниқлаб беради. Бундан ташқари ушбу кўрсаткичлар су-

ғурта ташкилотининг молиявий фаолияти яхшиланишига хизмат қиласи.

Шунингдек, суғурта ташкилотлари томонидан ўз активларини бошқариш амалиётини тадқиқ қилиш бу борада бир қанча муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатди. Бу ҳолат суғурта ташкилоти инвестиция фаолияти билан боғлиқ операцияларининг сифати ва натижадорлиги пасайишига ҳамда инвестиция фаолиятининг мұхим тамойилларини бажаришига салбий таъсир кўрсатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолияти сифатини оширишнинг ички механизмларини самарали кўллаш учун қўйидаги бир қатор тадбирларни амалга оширишни таклиф этамиз:

- мижозлар учун қулайлигини ҳисобга олган ҳолда суғурта тўловларининг актуал схемаларини шакллантириш керак. Шу мақсадда вақт ўтиши билан камайиб ёки қўпайиб борувчи суғурта тўловларини кўзда тутувчи схемаларни ишлаб чиқиш ва амалда кўллаш;

- инвестиция муносабатларига қизиқувчи мижозларнинг талаб ва истакларини кўпроқ эътиборга олувчи суғурта шартномаларини тузиш керак. Шуни эътиборга олган ҳолда суғурта ташкилотида инвестиция фаолиятининг аниқ мақсадларига мос келувчи алоҳида активлар портфелларини шакллантириш ва уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида ҳисоб юритиш;

- суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнида суғурта захираларини жойлаштириш қоидаларига биноан мижозларга полисли қарзлар бериш механизмини фаоллаштириш керак. Шу мақсадда суғурта ташкилотларининг хизмат кўрсатиши тартибларини ишлаб чиқиш, уларни суғурта қоидаларига киритиш ва берилган қарзларнинг қатъий ҳисобини олиб бориш;

- миллий суғурта бизнеси амалиётида суғурта ташкилотларининг суғурта соҳасидан чиқиб кетаётган мулк ва молиявий маблағларини назорат қилиш функциясини шакллантириш керак. Шу мақсадда суғурта ташкилотларининг қимматли қофозлар бозоридаги иштироки тўғрисидаги қоидага суғурта фаолияти билан бир вақтда қимматли қофозларни бошқариш имкониятини яратиш.

Инвестиция фаолиятининг ҳажмини ошириш мақсадида хусусий маблағларни кўпайтириш учун суғурта ташкилотлари инвестиция сиёсатининг самарадорлигини таъминлаш, молиявий ресурслардан фойдаланишининг сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий назорат ва режалаштиришни такомиллаштириш керак.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://www.apsei.org.pt>-Comite European des Assuraruses, CEA Statistics.
2. Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование. Уч. пособие. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2012. – 201 с.
3. Орланюк-Малицкая Л.А., Янова С. Страхование. – М.: Юрайт, 2012. – 147 с.
4. Фёдорова Т.А. Страхование. Учебник. – М.: Магистр "Инфра - М", 2009. – 695 с.
5. Турбина К.Е. Теория и практика страхования. – М.: Анкил, 2003. – 151 с.
6. Мак Т. Математика рискового страхования. // перев. с англ. Курносовой Е. – М.: Олимп-Бизнес, 2005. – 418 с.
7. Мизиковский Е.А. Учет, оценка доходности и анализ финансовых вложений. – М.: Магистр: ИНФРА-М, 2011.
8. Баутов А.Н. Прогнозирование и управление инвестициями страховых организаций на фондовом рынке. Страховое дело. 2004. № 1. С. 2-8.
9. Гребенщикова Э.С. Инвестиционная составляющая страхового бизнеса: новые источники и возможности. // Финансы. 2005. № 3. С. 30-34.
10. Мазанова Е.В. Статистический анализ инвестиционных возможностей страховых компаний. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Оренбург, 2008. – 25 с.
11. Прокофьева Е.Л. Инвестиционные возможности страховых компаний. Монография. – Абакан: Издательство Государственного Университета Хакасии, 2008. – 112 с.
12. Фролова В.В. Управление инвестиционной деятельностью Российских страховых компаний. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Краснодар, 2013. – 27 с.